O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK PARTIYASI XDP

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

2010-yil • 16-yanvar • Shanba • 7 (30.127) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Ў.И.Барноевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ўктам Исоевич Барноев** Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 15 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## О.Ш.Ашурматовни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ойбек Шодмонкулович Ашурматов** Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 15 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Т.И.Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Туробжон Икромович Жўраев** Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 15 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Р.Қ.Холматовни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Рустам Курбонназарович Холматов** Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 15 январь*

### 2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ!

# Бу даргоҳда қурувчи, меъморлар тайёрланади

*«Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ».*





Тошкент архитектура-қурилиш институти Президентимизнинг фармонига биноан 1991 йилнинг 6 майида ташкил этилган эди. Бугунги кунда ушбу таълим даргоҳида тўртта — архитектура, қурилишни бошқариш, бино ва иншоотлар қурилиши, инженерлик сервиси факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 16 та таълим йўналишида бакалаврлар, 21 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

Шунингдек, институтда умумтехника ва махсус фанларни ўрганишда энг илғор педагогик технологияларни қўллаш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда қурилиш менежерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилган.

Институтда ёшларга таълим-тарбия бераётган 249 нафар профессор-ўқитувчининг 22 нафари фан доктори ва профессор, 95 нафари эса фан номзоди ва доцент. Салоҳиятли олимлар жамоаси томонидан кейинги йилларда кўплаб илмий тадқиқот ишлари яратилди.

Институт қошида 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган академик лицейда 542 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институти йигирмадан ортиқ хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Мазкур таълим даргоҳида интернетга уланган замонавий компьютерлар билан таъминланган, 247958 нусха китоб фондига эга бўлган Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Институтнинг иқтидорли талабаларидан Дилноза Мирҳамидова Беруний, Миробид Тоҳиров эса Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлишган.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ САЙЛАНГАН ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

2010 йил 15 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси янги сайланган Жўқорғи Кенгесининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда 2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь кунлари бўлиб ўтган сайловда сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, сиёсий партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Либерал демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партиясининг марказий органлари вакиллари қатнашди.

Сессияда сайлов якунлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисини сайлаш ва Вазирлар Кенгаши раисини тайинлаш масалалари кўриб чиқилди.

84-«Қоракўл» сайлов округидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мусо Тажетдинович Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси этиб Баҳодир Янгибоев тайинланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎзХДП ҳаёти

# Депутатлик гуруҳлари таъсис этилди

Сиёсий партиянинг дастурий вазифалари, ғояларини қонунчилик орқали амалга оширадиган энг асосий куч унинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик корпусидир.

Ўтган беш йил давомида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган турли даражадаги депутатлар кўплаб амалий ишларни олиб бордилар. Давр, замон, ўзгаришлар, тараққиёт эса бугун олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизда 2009 йил 27 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар, 2010 йил 10 январь куни ўтказилган такрорий овоз бериш якунларига асосан мамлакатимиз парламентининг қуйи палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари шаклланди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи энг катта фракцияни, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг кўпчилигида энг катта депутатлик гуруҳини тузиш имконига эга бўлди.

2-бет >>>

Маънавий мерос

# «Ҳар хирмондан бир бошоқ олдим»

Мутафаккир шоир Саъдий Шерозийнинг ёшлар тарбиясига оид қарашлари

**«ЭГИЛУР ЁШ АҒОЧ НЕЧУК ТИЛАСАНГ»**

Бизгача етиб келган, асрлар силсиласидан омон ўтган маънавий меросимиз дурдоналарида ёшлар тарбияси, уларни илм олиши инсоний фазилатларни эгаллашига ғоятда муҳим масала сифатида қаралади. Саъдий Шерозий фикрича илмни ёшликдан бошлаб эгаллаб бориш керак, акс ҳолда ёш ўтганда илм олиш мушкуллашади. Бу масалада шоирнинг ҳаётий фалсафаси қуйидагича: ёшларга жиддий эътибор бериш, уларни болалигидан тарбиялаш зарур. Мана шу улуғвор мақсад қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган:

***Кичикликда адаб ўрганмаган эр,***
***Улу бўлса, бил, андин хайр келмас.***
***Эгилур ёш ағоч нечук тиласанг,***
***Қури эгри ағоч ўтсуз тузалмас.***

4-бет >>>



«БАХТ»НИНГ БАХТЛИ БОЛАЛАРИ

2



ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИГИДАН КЎРИЛГАН ЗАРАР

3



4

ВИДЕОҚАРОҚЧИЛИК

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Фахр

# Ватанга қасамёд тимсоли

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



12 январь куни пойтахтимизда Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Мазкур бадиий обидада чексиз муҳаббат билан давлатимиз байроғини қўлида тутиб, юртимизнинг ҳар бир қаричи учун жонфидолик қилишга тайёр турган асл ўзбек ўғлони ҳамда ана шундай шарафли йўлга отланган азиз фарзандига оқ фотиҳа тилаётган мунис она тасвири ифодаланган.

Давлатимиз раҳбарининг **бу баҳодир эр йигитнинг қадди-қомати, мардона қиёфасига қараб, фарзандларимизнинг юрагида, қалбида «Мен ҳам шу жасур акам сингари ҳарбий бўламан, ўз уйимни, ўз юртимни, ота-онам, ўз қадрдонларимни ҳимоя қиламан», деган қатъий қарор пайдо бўлиши шубҳасиздир,** дея таъкидлаши Ватанга қасамёд қиладиган бўлғуси юрт ҳимоячилари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Биз ушбу бетакрор мажмуани зиёрат қилиш учун келган юртдошларимиз билан суҳбатлашдик.

— Ёш болаларга катта бўлсанг ким бўласан, деб савол берсангиз, уларнинг аксари албатта ҳарбий бўламан деган жавобни беради, — дейди **Фарғона вилояти телерадиоканали муҳаррири Анвар Алиев.** — Мазкур ҳайкални кўрган ҳар қандай мурғак қалб соҳибида ана шундай беғубор истак қатъий мақсадга айланиши тайин. Ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, «Ватанга қасамёд» ёдгорлик монументи ҳар бир юртдошимиз, айниқса, Ватан ҳимоясига отланганлар қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

— Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида очилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалини кўриб ҳайратда қолдим, — дейди **Ucell алоқа оператори ходимаси Донохон Юнусжонова.** — Хусусан, унда акс этган теран фалсафий маъно кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Айниқса, юрт тинчлиги, фаровонлигини асраб-авайлаш, қолаверса, бутун халқ ишончини оқлаш учун тиз чўкиб, қасамёд қилаётган фарзандига қўлини дуога очиб, оқ фотиҳа бераётган мўътабар она тимсоли менда чуқур таассурот қолдирди.

— Бугун ўқувчиларим билан ушбу ҳайкални кўргани келдик, — дейди **Шайхонтоҳур туманидаги 137-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Насиба Бойқараева.** — Ўйлайманки, салобатли Ватан ҳимоячиси сиймосида ифодаланган мардлик, жасурлик, довюраклик ҳамда мислсиз садоқат туйғуси, ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссини янада жўш уришига, уларни юрт ҳимояси учун доимо тайёр туришга ундайди.

Кун сайин эмас, соат сайин қиёфаси ўзгараётган азим ва гўзал пойтахтимизда қад ростлаган ушбу ҳайкал нафақат юрт ҳимоячиларининг, балки бутун халқимизнинг Ватанга қасамёди тимсоли бўлиб қолади.

# Депутатлик гуруҳлари таъсис этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Музаффар ТУРОПОВ,
Беҳзод ШУКУРОВ

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатларимиз ўз йиғилишларида депутатлик гуруҳларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Уларда ўтган йилларда бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш, партия Дастури ва Сайловолди платформасида илгари сурилган ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ янги вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда Жўқорғи Кенгесга сайланган депутатлар, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матякубова ўзининг кириш сўзида партиямиздан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 27 нафар депутат сайланганини, шу муносабат билан ЎзХДП сиёсатини уюшқоқлик билан амалга ошириш мақсадида депутатлик гуруҳини таъсис этиш лозимлигини таъкидлади. Партия электоратининг ижтимоий муҳофазасини янада такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчиллик билан давом эттириш, минтақа тараққиётига хизмат қиладиган ташаббуслар билан янада кўпроқ чиқиш ҳақида фикр юритди.

Сўзга чиққан депутатлар Жўқорғи Кенгес сессиялари кун тартибига масалалар киритиш, тегишли равишда давлат органлари раҳбарлари, Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, ҳокимликлар, бошқармалар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатлардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида фикр юритдилар.

Жўқорғи Кенгес депутати, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси бош шифокори Қозоқбой Жанибеков Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари этиб сайланди.

***— Сайловлар олдидан биз қандай натижага эришишимиздан қатъи назар, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоялаш механизмларини янада такомиллаштириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверишини таъкидлаган эдик, — деди у.***

---

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг йиғилишида Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар ва туман кенгашлари раислари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят партия кенгаши раиси Олим Равшанов олиб борди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 22 нафар депутат сайланди, — деди у. — Энди фаолиятимиз, барча саъй-ҳаракатларимиз бизга билдирилган юксак ишончни оқлашга қаратилмоғи зарур. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, партиямиз дастурий мақсадлари ижросини таъминлаш асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

Йиғилишда вилоят Кенгашида Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳини таъсис этиш ва 17-Қорабоғ сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси О.Равшановни гуруҳ раҳбари этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

49-Кўкдала сайлов округидан депутат Х.Қодиров, 33-Бўлмас сайлов округидан депутат К.Хўжаёров, 36-Муборак сайлов округидан депутат Ж.Қурбоновлар сўзга чиқиб, эътибор қаратилиши зарур бўлган муҳим йўналишлар ҳақида фикр юритдилар.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси раиси М.Турсунов Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутатларига депутатлик гувоҳномаларини топширди.

---

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар йиғилишини вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов бошқариб борди. У сайлов кампанияси якунлари, унда ЎзХДП вилоят ташкилоти эришган муваффақият, олдинда турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталди.

— Сайловлар олдидан биз қандай натижага эришишимиздан қатъи назар, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоялаш механизмларини янада такомиллаштириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверишини таъкидлаган эдик, — деди у. — Сайлов натижасида вилоят Кенгашида энг катта депутатлик гуруҳини тузиш имконини берадиган ўринларни эгаллаганимиз имкониятларимизни янада кенгайтиради. Ҳамма гап энди ана шу кучдан қандай фойдаланишимизга боғлиқ.

Сўзга чиққан депутатлар ўзлари кўтариши мумкин бўлган масалаларнинг аниқ йўналишлари ҳақида сўз юритдилар.

Сирожиддин Аъзамов депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳҳор Ибрагимов иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Шунингдек, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларимиз йиғилишларида ҳам депутатлик гуруҳини таъсис этиш ва унинг раҳбарини сайлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Бўлиб ўтаётган Кенгашлар сессияларида эса улар рўйхатга олинмоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили



# «Бахт»нинг бахтли болалари

Ситора Турғунова Ғаллаорол туманининг «Бахт» маҳалласида истиқомат қилади. Бу йил у ўн тўрт ёшга тўлади. 16-мактабда ўқияпти. У спортнинг бадиий гимнастика турига қизиқади. Уч йилдан бери туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

— Маҳалламиз ва мактабимизда бизни баркамол бўлиб ўсиб-улғайишимиз учун барча зарур шарт-шароитлар бор, — дейди Ситора. — Ҳатто олис қишлоқдаги қизлар ҳам бугун худди шаҳарлардагидай замонавий, шинам, ажойиб спорт саройида ўзи ёқтирган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга.

Ситоранинг тенгдошларидан Зиёда Ҳайитбоева қўл тўпи, Малика Нурматова эса баскетболни ёқтиради. Улар бир неча йилдан бери спортнинг ана шу турларига қатнашади.

Беш ёшли Авазбек Абдураззоқов «Юлдузча» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси экан.

— Боғчамизни яхши кўраман, — дейди у бурро-бурро қилиб. — Ўйинчоқлар жудаям кўп. Қўшиқ, шеър айтишни ўрганамиз. Ўртоқларим билан ҳар хил ўйинлар ўйнаймиз. Боғча опаларимиз бизга эртак айтиб беришади.

Бугун маҳалладаги болалар боғчасида 80 нафар кичкинтой таълим-тарбия олаяпти. Уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсиб-улғайиши учун қулай шароитлар яратилган.

Маҳалладаги Нигора Ҳамдамова яшаётган уйга кириб, ундан ҳол-аҳвол сўрадик.

— Фалокат оёқ остида деганларича бор экан, — дейди унинг отаси Бахтиёр ака. — Оғир касаллик туфайли қизим ногирон бўлиб қолди. 3-4 йилдан бери уйда. Ҳукуматимизга раҳмат, нафақа бериб келаяпти. Маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ҳам қараб туришгани йўқ. Баҳоли қудрат ёрдам қилишаяпти.

— Ҳаммадан миннатдорман, — дейди Нигоранинг ўзи. — Оғир дамларда мени ёлғизлатиб қўйишмади. Ўқитувчиларим уйга келиб ўқитишди. Тенгдошларим, дўсту дугоналарим тез-тез хабар олиб туришибди. Шифокорлар дардимга малҳам бўлишаяпти. Эътибор, ғамхўрлик туфайли саломатлигим аста-секин тикланиб бораяпти. Насиб этса, яқин орада тенгдошларим қатори югуриб-елиб юрадиган бўламан.

«Бахт» — тумандаги ўнлаб маҳаллаларнинг бири. Унда бугун 4180 нафар аҳоли истиқомат қилаяпти. Шундан 1102 нафари болалар, 629 нафари ўсмирлар.

— Маҳалламиз болалари ҳам мамлакатимиздаги болалар каби уларга яратилган қулай шарт-шароитлардан баҳраманд бўлишмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Темур Нарзуллаев. — Мавжуд 2873 та оилада тарбияланиб, вояга етаётган ўғил-қизларимизнинг ҳеч нарсадан ками йўқ. Янгидан қурилган, реконструкция қилинган замонавий мактаблар, ажойиб болалар боғчаси, ўйингоҳ ва спорт заллари, турли фан ва ҳунар тўгараклари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Касб-ҳунар коллежи, академик лицейимиздаги шарт-шароитларни, замонавий ўқув қуроллари ҳамда техник воситаларини таърифлашга тил ожизлик қилади.

Маҳалланинг Жавлонбек, Зебунисо, Шавкатбек сингари болалари вилоят ҳамда мамлакат миқёсидаги фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган. Чиннихол, Жўрабек каби ёш ҳунарманд усталари, мўйқаламда она юрт манзараларини моҳирона чизиб бераётган Дилбар, Сулаймон сингари бўлажак мусаввирларининг ижод намуналари турли кўргазмаларда юқори баҳоланган.

— Болалик кезларимни эсласам, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, — дейди маҳалла оқсоқолларидан бири Ҳусан Қаршибоев. — Лойсувоқ уйларда яшаганмиз, гуваладан қурилган пастқам, кўримсиз мактабларда ўқиганмиз, кўчада тупроқ чангитиб тўп тепишдан нарига ўтмаганмиз, десам, бугун фарзандларим, невараларим ишонмайди. Чунки, улардаги шарт-шароитлар билан биз бола бўлган даврдаги шароит ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Демак, давлатимиз, ҳукуматимиз фарзандларимизнинг баркамол бўлиб ўсиб-улғайишлари учун шунчалик кўп ишлар қилаётган, имкониятлар яратиб бераётган экан, энди бунинг қадрига етишимиз керак бўлади.

Ҳа, бугун пойтахтимиздан, шаҳарлардан анча олисдаги «Бахт»нинг болаларига ҳавасингиз келади. Улар Юртбошимиз айтганларидай, биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишдек эзгу истак билан вояга етишяпти.

ЎзХДП фаоллари

Чортоқ тиббиёт коллежида ўзига хос анъаналар бор. Ҳар бир байрамни жамоа ногиронлар, беморлар, камхарж оилалар хонадонларига йўқлов уюштиришдан бошлайди. Аҳамиятли жиҳати, бундай савобли ишга ўзига хос тарзда ўқувчилар ҳам жалб этилади. Улар иштирокида кўнгилочар дастурлар тайёрланади.

# Ўзбекистон — меҳр-муҳаббат юрти

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Баркамол авлод йили тадбирлар режасига кўра, коллежнинг ҳамширалик иши кафедраси мудири Шоира Бобохонова таклифи билан педагогларнинг шахсий жамғармасидан йиғилган маблағ Наманган шаҳридаги «Саховат» ёлғиз қариялар уйи ва 26-Меҳрибонлик уйига ёрдам сифатида йўналтирилди.

— Олдинроқ, Ҳайит байрамида қариялар уйига борганимизда, уларга атаб бадиий дастур тайёрлаб келсак бўларкан, деган фикрга келувдик, — дейди коллеж муаллимаси Умида Розиқова. — Бу гал шундай қилдик. Зебохон Мирзаабдуллаева раҳбарлигидаги 137-гуруҳ ўқувчилари кўнгилочар дастур тайёрлашди. Шунингдек, ёлғиз қарияларга Меҳрибонлик уйидаги болаларга совға-саломлар топширдик...

Биз эса бу ҳақда олдинроқ эшитгандик. Меҳрибонлик уйи педагог ва тарбияланувчилари Чортоқ тиббиёт коллежидан йўқлаб келишганини мамнуният билан сўзлаб беришганди.

— Баркамоллик жисмоний, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиш, соғлом фикрлаш, илм-маърифатга эга бўлиш, деганидир, — дейди Ш.Бобохонова. — Кўнгил кўтариш, меҳр-мурувватли бўлиш ва оқибат кўрсатиш миллий қадриятларимиздан. Биз эса улар асосида турли тадбирлар ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз, холос.

Бундай ибратли анъаналарнинг қадрланиши, давом эттирилиши кўп жиҳатдан жамоа раҳбарига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, кейинги беш йил давомида халқ депутатлари вилоят Кенгашида депутатлик фаолиятини фаоллик, масъулият билан ўтаган, «Регламент ва депутатлик одоби» доимий комиссиясига раҳбарлик қилган ЎзХДП фаоли, коллеж директори Марҳабатхон Болтабоева билан учрашдик.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга асос бўлган бешта асосий тамойилдан биридир, — дейди у.— Қолаверса, жамоамиздагиларнинг кўпчилиги ҳурмат билан қарайдиган партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб бундай тадбирларни кўплаб ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз. Жамоамиз аъзолари, талабаларимизнинг ўзлари бу борада турли ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Дарҳақиқат, ота-онасидан фалокат туфайли айрилиб, кекса бувиси қўлида қолган уч нафар болани тасарруфга олиш, уларга маҳалладошлар эътиборини қаратиш, тўнғичига қўшимча нафақа белгилаб, коллежда ўқитиш ташаббуси билан чиққанида М.Болтабоеванинг бу ишини Чортоқнинг Мучум қишлоғидаги катта-кичик қўллаб-қувватлаган эди. Унинг Чортоқдаги Ҳазратишоҳ қишлоғида, шунингдек, Поп туманидаги бир қатор қишлоқларга ичимлик суви ёки тиббий газ таъминотини яхшилашга, коллеж қошида врачлик пункти ташкил этишга у катта ҳисса қўшганини жамоатчилик яхши билади. Шунинг учун ҳам уни ҳурмат қилишади.

Меҳр-оқибатли, аҳил жамоа раҳбарининг ўзи таъкидлаганидек:Ўзбекистон — меҳр-муҳаббат юрти. Улуғ аждодларимизга муносиб баркамол авлодни вояга етказишнинг шартларидан бири меҳр-мурувватли бўлиш ва бу туйғу, фазилатни ўсиб келаётган ёш авлодга сингдиришдир.

Маънавий мерос

# «Ҳар хирмондан бир бошоқ олдим»

## Мутафаккир шоир Саъдий Шерозийнинг ёшлар тарбиясига оид қарашлари

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

(Давоми. Боши 1-бетда)

### ОТА МЕҲРИНДАН УСТОД ЖАВРИ ЯХШИ

Қадим-қадим замонларда ҳам юртимизда илм кишилари, ўқитувчилар ғоятда қадрланган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги мавқиени ва уни ижтимоий ҳимояси масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Саъдийнинг бир тўртлигида айнан шу ҳақида сўз боради. Бунда шоир ўша давр нуқтаи назаридан илм ва бойлик масаласини солиштиради. Маълумки, мактабга таълим олишга келган шогирд-ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳар хил бўлади. Давлатмандлар фарзанди яхши кийим ва дарс анжомлари, бечорароғи юпунроқ кийим ва оддийгина жилддон билан келган. Саъдий тўрт қатордаги бу шеърида бойликдан илм устунлиги, ота меҳридан кўра устознинг сабоғи, тарбияси, афзаллигига бир ўғлин бир малик мактабга берди, ишора қилади.

*Мурассаъ эрди олтун лавҳи нақши.*
*Муни лавҳинда ёзди котиб аввал:*
*Ота меҳриндан устод жаври яхши.*

### «КИМ СЎЗЛАГАНИГА ЭМАС, НИМА ДЕГАНЛИГИГА ЭЪТИБОР БЕР»

Саъдийнинг олим бўлиш биринчи навбатда ўз қарашларини ҳаётга татбиқ этиш, элга, юртга фойдаси етиши билан белгиланиши ҳақидаги фикри бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. У олим бўла туриб илмини бошқага ўргатмайдиган, юрт равнақини ўйламайдиган кимсаларни нодон деб атайди.

Илму ҳунарда маълум бир поғонага чиқиб олиб, ортидан келаётганларни қўллаб-қувватламасдан, ўзига юқори баҳо бераётган кимсалар том маънодаги зиёли эмас. Биз кўпинча таниқли ва мансабдор кишилар фикрига асосланамиз, баъзан уларнинг мулоҳазалари тўғри бўлмаса ҳам, мантиқан ўз ўрнини топмаса-да зўр бериб маъқуллаймиз, аксинча ёш, ҳали номи тилга тушмаган кишининг фикрига эътибор бермаймиз, ёки умуман унинг қарашларини инкор этамиз. Шоир бунда халқ мақолидаги «ким сўзлаганига эмас, нима деганлигига эътибор бер» мақоли мисолида фикр билдиради, буни шоирона маҳорат билан сайқал бериб ўқувчига етказади:

*Гоҳида равшан фикр донолардан ҳам,*
*Чиқмаслиги мумкин дурустроқ тадбир.*
*Гоҳида ақлсиз гўдак бир бола,*
*Янглишиб, нишонга ўқ урар моҳир.*

### ҚАНОАТ ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Мутафаккир шоир ўз асарларида сабрбардошли бўлиш, ҳаётдан нолишдан кўра меҳнат қилиб, унинг муаммоларини ҳал этиш, бировнинг ҳалол ишлаб топган молдавлатига ҳасад билан қарамаслик, бутун умрини бўлмағур ишларга сарф этмасдан оқилона ўтказиш, бу ўткинчи дунёда тўпланган давлатни оила осойишталиги ва соғлиги учун харжлашга даъватни кўрамиз. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўз бошидан кечирган Саъдийнинг донишмандона ҳаётий, содда, фикрларини ўқувчи тез ҳазм қилади, унинг қарашларига эргашишга, интилади. Шу боис у шоҳ асарлари «Гулистон» ва «Бўстон»даги рубоийларида ҳам бу масалага қайта-қайта мурожаат этган. Шоир яна бир тўртлигида орттирилган бойлик биринчи навбатда ўша одамнинг ўзига буюриши, қолаверса эҳтиёжмандлар дардига яраши лозимлигини алоҳида таъкидлаган. У замондошларини инсофга чақириб, бойликка муккасидан кетиш ғайри инсоний ҳаракат эканлигини, ҳар қандай моддият энг аввало инсонларга хизмат қилишини ҳаёт ҳақиқатлари билан исботлаб беради.

*Олтин-кумуш бўлса едир барчага,*
*Ўзинг ҳам роҳат қил, еб ичиб қолгин.*
*Сендан қолажақдир бу иморатлар,*
*Ғиштлар бўлганда ҳам кумуш ё олтин.*

### САБР САБОҚЛАРИ

Саъдий асарларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган ва жуда кўп марта мурожаат қилинган. Ҳақиқатдан ҳам кишида мавжуд шароитга сабр-бардош билан ёндашиш, маълум муддат чидам ва сабрни ҳаёт мезонига айлантириш ижобий баҳоланган, аксинча сабрсизлик билан ноўрин хулосаларга бориш ва кейин афсус чекиш, кўп ҳолларда кишини ноқулай вазиятга тушишига сабаб бўлади. Шоир назарида ҳам сабр қилган фақир, бечора киши давлатманд кишиларнинг бойлиги ва савлатидан кўра обрўси ортиқдир. Зеро, энг аввало киши ўз «мен»ини тарбиялаши лозим, ўзининг шахсиятида мол-мулк ҳавасидан кўра оила осойишталиги, миннатсиз турмуш тарзини маъқул кўриши лозимлигини жуда маҳорат билан тасвирлайди:

*Тилар бўлсанг насиб олмоқ*
*саодат кимёсиндан,*
*Қаноат гўшасин тутқил,*
*кечиб дунё сафосиндан.*
*Муҳаққиқларнинг оғзидин*
*неча навбат эшиттим мен:*
*Фақир эр сабри ортиқдур*
*ғанийларнинг атосиндан.*

Бунда шоир ўткинчи дунёда мол-мулкдан тўймас кишиларга нисбатан нафрат, оз миқдордаги бир луқма нонга шукр қилиб, сабр ва чидам ила ўз нафсини жиловлай олганларга нисбатан самимий эҳтиромини изҳор этганлигини кўрамиз. Сабрли бўлиш, мол дунёга эмас, балки маърифатга интилиш ёшлар учун ҳам ўта муҳимдир.

### ДЎСТЛИК ДЕВОРИ

Саъдий бутун ижоди давомида ёшлар қалбида инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, Ватанга муҳаббат уйғотиш, жамиятда тинчлик, осойишталик ҳукм суришига интилади. Бунинг учун эса энг аввало дўстлик, аҳиллик ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилиш, бир-бирини асраш, авайлаш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Дўст-дўстга хиёнат қилмаса, аксинча садоқатли бўлса, бу жамиятдаги тотувликка хизмат қилади. Шоирнинг фикрича, дўстни ҳар қандай иғво ва хусумат, туҳмат ва ўринсиз сўзлардан эҳтиёт этган маъқул. У кишилар руҳиятида ўзаро самимият бўлишини тарғиб этади. Инсон нокаслар фикрига таяниб яқин кишилар кўнглига озор етказмаслиги, ортиқча манманлик ишончни барбод этишини қайта-қайта таъкидлайди.

Шоир назарида ҳақиқий дўстни душмандан ажратиш ҳар бир кишининг ўзини асраши ва жамиятни нопок кишилардан тозалаши ҳамдир. Душман ҳамиша ҳийлакор. Агар киши душман алдови ва найрангига учса, дўстлик девори шунчалик тез қулайди.

### ХУЛОСА

Саъди Шерозийнинг «ҳар хирмондан бир бошоқ олдим» деган фикрини мақола сарлавҳасига чиқардик. Бу билан адиб дунё кезиб, одамларни кўриб, уларнинг турфа оламидан, феъл атворидан, инсонга хос одамийлик, бунёдкорлик, мураккаблик, ожизлик... каби бошоқларнинг ҳар биридан бир дон олганлигини ифода этади. Биз ҳам ўз навбатида Саъдий Шерозий қолдирган бебаҳо адабий хазина — хирмонидан бир бошоғини олиб сиз азиз муштарийларга тақдим этдик.

---

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади

# Бири-биридан гўзал

## спорт иншоотлари

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашдек юксак мақсад йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш орқали жисмонан чиниққан, иродали, ватанпарвар авлодни вояга етказишга тобора жиддий эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда ёшлар ўртасида спорт турларини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кўп ибратли ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида ёш авлоднинг жисмоний тарбияси, болалар спорти соҳасида ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда ўғил-қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди.

Баркамол авлод орзуси йўлида қилинадиган навбатдаги ишлар ўтган йилги саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми бўлади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам қатор замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг дастури бўйича 17 та болалар спорт мажмуаси ва спорт иншооти, 14 та мактаб спорт заллари, шунингдек, сузиш ҳавзаси спорт зали билан қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.



Мазкур иншоотларни бунёд этишга 3024,8 миллион сўм маблағ сарфланди. Айниқса, Нукус шаҳрининг «Қизил қум» маҳалласидаги 20-мактаб қошида барпо этилган Болалар спорт мажмуаси диққатга сазовордир. «Арбаши», «Бердақ», «Қуюқ кўпир», «Навоий», «Жалпак жап», «Бобур», «Маржонкўл», «Сарсенгул», «Устюрт» каби овуллардаги мактаблар қошида қуриб ишга туширилган спорт иншоотлари бири-биридан кўркам ва салобатли. Улар қишлоқ ва овуллар чиройига чирой қўшмоқда.

Элликқалъа туманидаги «Ёпиқ сув ҳавзаси» ҳам тубдан қайта таъмирланди. Республикадаги спорт иншоотлари учун 206220,8 минг сўмлик 36 хил спорт инвентарлари олиниб, фойдаланишга берилди.

Айниқса, ўқувчиларни спорт анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир. Шу билан бирга, 2820 дона логотиплик спорт рюкзаклари, 2820 дона спорт костюмлари, 2820 дона бейсбол кепкалари ажратилиб, кам таъминланган, кўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларига топширилди.

— Президентимиз болалар спортига алоҳида эътибор қаратиб келаётгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаяпти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Бухарбой Калабаев. — Бугун спорт олис овулларга ҳам кириб борди. Вақти келиб, бу овуллардан чемпионлар етишиб чиқишига шубҳа қилмайман. Энг муҳими, спорт билан машғул бўлган фарзандларимиз соғлом ва бақувват бўлади. Бугун барпо этилаётган иншоотлар ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

---

СПОРТ СПОРТ

# Абдуллонинг ютуғи

**Абдували ХУДОЁРОВ**

***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг 1-курс талабаси Абдулло Худойбердиев (60 кг) 7 йилдан бери спортнинг муайтай тури билан шуғулланади. Яқинда у Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медаль билан тақдирланди.***

— Жаҳон чемпионатида дунёнинг 87 давлатидан спортчилар қатнашди, — дейди у. — Ҳал қилувчи баҳсда таиландлик спортчи билан беллашдим. Бу учрашув мен учун анча қийин кечди. Чунки, муайтайнинг ватани Таиланд ҳисобланади. Шундай экан, таиландлик спортчи устидан унинг юртида ғолиб чиққаним ўзимда ҳам, мутахассису мухлисларда ҳам катта таассурот қолдирди.

— Ўтган йил шогирдларимиз учун муваффақиятли келди, — дейди Самарқанд вилояти терма жамоаси бош мураббийи Баҳодир Ҳасанов. — Улар орасидан 3 нафари жаҳон, биттаси Осиё чемпиони бўлди. Бу йил эришган ютуқларимизни кўпайтиришга ҳаракат қиламиз.

---

Божхона бекати

# Видеоқароқчилик

**Замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда, қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Шундай имкониятдан мўмай даромад илинжида ноқонуний фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам учраб туради.**

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати инспектори**



Яқинда Тошкент вилояти божхоначилари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ўтказган тезкор тадбирлар чоғида турли медиа маҳсулотларни ноқонуний кўпайтириб сотаётган сохта тадбиркорлар фош этилди. Вилоятнинг Янгийўл туманидаги буюм бозорида ўтказилган тезкор тадбир фуқаролар Жамшид Сўпиев ва Тимур Джаппировнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйди.

Қонунбузарлардан бири қиймати салкам 4 млн. 250 минг сўмлик DVD дискларини сотаётганлиги аниқланган бўлса, яна бири турли хорижий ва ўзбек фильмлари, мультфилмлар, мусиқа ва концертлар ёзилган салкам 700 дона DVD дисклар билан савдо қилаётганда тўхтатиб қолинди.

Андижон вилояти божхоначилари «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирлар давомида аниқланган 12 та қонунбузарлик ҳолатида салкам 5 минг дона сотишга яроқсиз, шунингдек, маънавиятимизга ва миллий қадриятларимизга зид бўлган дискларни қонунбузарлардан олиб қўйишди. Қиймати салкам 9 миллион сўмлик ушбу ашёвий далиллар ёқиб ташлаш йўли билан йўқ қилинди.

Ўтган йилда божхона ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлар давомида аниқланган 300 га яқин қонунбузарлик ҳолатларида 300 мингдан ортиқ аудио-видео кассета ва турли форматдаги дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилган.

---

Жиноятга жазо муқаррар

# БУРЧГА, ХАЛҚҚА ХИЁНАТ

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БОШҚАРМАСИ СОБИҚ ТЕЗКОР ВАКИЛИНИНГ 1700 АҚШ ДОЛЛАРИ ЭВАЗИГА ЖИНОЯТЧИНИ ЖАЗОДАН ҚУТҚАЗИБ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Денов туманида истиқомат қилувчи Раҳмонқул Маҳмадиёров 1999 йилда «Ҳизбут таҳрир» диний-экстремистик гуруҳига аъзо бўлиб, ўз атрофига Жаббор Маҳмадиёров, Хурсанд Ҳайдаров, Отабек Раҳмонқулов, Шерали Соатмуродов, Комил Азизмуродов, Сирожиддин Хўжамқулов, Шайдулло Эшназаров, ака-укалар — Панжи, Ҳамдам, Машраб Раббиев каби яқин қариндошларини тўплайди. Уюшган гуруҳ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартириш, қонуний сайланган ҳамда тайинланган ҳокимият вакилларини ишдан четлатишга очиқдан-очиқ даъват қилади. Бу борада диний экстремистик руҳдаги китоб ва варақалар тарқатишади. Турли яширин мажлис ва йиғилишлар ўтказишади.

«Ҳизбут таҳрир»нинг диний-экстремистик ғоялари билан шуғулланиб келган Ҳамдам Раббиев, Машраб Раббиев, Комил Азизмуродов, Шерали Соатмуродов, Сирожиддин Хўжамқулов ва бошқалар қўлга олинади. Уларга ўз жиноятларига яраша жазо тайинланади. Аммо, гуруҳнинг ташкилотчиси — Раҳмонқул Маҳмадиёров эса жавобгарликдан қутулиб қолади.

Жиноят устида қўлга олинганлар орасидан Р.Маҳмадиёровнинг сирли равишда ғойиб бўлиши ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Вилоят ички ишлар бошқармаси тезкор ходими Ҳамид Нарзуллаев унинг жиноятини яшириб қолди. Бу «хизмати» учун ундан 1700 АҚШ доллари миқдорида пора олади. Натижада жиноятчининг исм-фамилияси ҳужжатлардан тушириб қолдирилади. Жавобгарликдан қутулиб қолган Р. Маҳмадиёров бузғунчилик ҳаракатларини давом эттиради.

Жорий йилнинг 27 январида унинг уйида ўтказилган текширишда «Ислом низоми» номли экстремистик китоб, варақалар ҳамда турли видеокассета ва ўн дона диск топилади. Хуллас, «ҳизбут»чи ниҳоят жазосини оладиган бўлди. Унга бир муддат эркин «фаолият» юритишга имкон берган давлат хизматчиси ҳам айбига яраша жазоланди.

Ўйланиб қоласан киши: халқимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашдек масъулиятли ва шарафли вазифада ишлаётган Ҳамид Нарзуллаев нега бундай тубанликка қўл урди? Ўз бурчи, касбига, халқига хиёнат қилишга у қандай журъат этди? Наҳотки нафс балосини у ўзи ва оиласи шаъни, халқининг тинчлигидан юқори қўйди?

Суд пайтида у адашгани,хатога йўл қўйганини қайта-қайта айтиб, кечирим сўради. Аммо, бундай «хатолар», «адашишлар» ҳеч қачон кечирилмайди. Буни унутмаслик керак.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 50
14810 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 01.20
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda